

(1819 - Бухоро - 1885)

(1860-йил 23-сентябр- 1885-йил 12-декабр)

Мангитлар сулоласидан бўлган Бухоро амири.Отаси Насруллохон даврида Карманага ҳокимлик қилган. Амир Насрулло вафотидан сўнг, Бухоро тахтига ўтирган. Отаси томонидан Карманага сургун қилинган кишиларни Бухорога қайтариб, юқори лавозимларга тайинлаган. Марказий ҳокимиятга бўйсунитишни истамаётган Хисор, Шахрисабз, Дарбоз, Қўлоб, Балжувон бекликлари ва Қўкон устига юриш қилиб, уларнинг қаршичилигини енгди (1863-1865). Маллахон томонидан тахтдан туширилган Қўкон хони Худоёрхон Бухорога қочиб қелганида хонлик тахтини қайта эгаллаши учун унга ҳарбий ёрдам берган (1861). Музаффарнинг ҳукмронлик даври Россиянинг Ўрта Осиё хомликларига қарши ҳарбий ҳаракатлари қучайган даврга тўғри келади. Россия билан бўлган қелишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этишда умидини узмай, у Нажмиддинхўжа бошлиқ экчиларни Петербургга жўнатди (1865-йил июл). Бирок, қўзланган мақсадга эришилмай, икки ўртада ҳарбий ҳаракатлар бошланди. Музаффар қўшини билан генерал Романовский бошчилигидаги Россия ҳарбий қучлари ўртасидаги дастлабки тўқнашув Жиззах билан Оратепа ўртасидаги Эржар(Майдаюлгун) да бўлиб, унда Бухоро қўшини мағлубиятга учраган(1866-й. 8-май). Музаффар муфтий Мухаммад Порсо бошчилигидаги элчиларни Афғонистон ва Ҳиндистон орқали ёрдам сўраб, Истанбулга юборса ҳам рад жавобини олган. 1868-йил 2-3-июнда Зирабулок жангида мағлубиятга учрагач, 1868-йил 23-июнда Самаркандда имзоланган Россия-Бухоро сулҳ шартномасига кўра, Бухоро амирлиги Россияга тобъ бўлиб қолган. Ўғли ва валиаҳд Абдулмалик (Катта тўра) Россия босқини ва отаси ҳукмронлигига қарши Шахрисабз ва Китобда қўзғолон қўтарганда Музаффар рус қўшинлари ёрдамида уни бостирган (1870). Музаффар даврида Бухоро амирлигининг Россияга қарамлиги қучайиши билан бир қаторда шиаларнинг таъсири ҳам ортган. Бухородаги Эшон Имло мазорида дафн этилган.